

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**РЎЙХАТГА ОЛИНДИ**  
№ ВМ – 343 - 5А340607 – 2.03  
«1» Июль 2003 й

**«ТАСДИҚЛАНДИ»**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

---

«8» Июль 2003 й

**«БИРЖА ИШИ ВА ЖАҲОН БИРЖА ТИЗИМИ»  
ФАНИДАН**

**ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 -«Бизнес ва бошқарув»  
таълим соҳасидаги 5А340607 - «Халқаро молия бозорларидаги операциялар»  
магистратура мутахассислиги учун**

**Тузувчилар:** доц. Шохаъзамий Ш.Ш.  
доц. Джураев В.Д.

**Тақризчилар:** доц. Тохтабаев Т.Р.  
доц. Абдураимов А.А.  
доц. Исмоилов К.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига асосан ҳамда уларнинг негизида ишлаб чиқилган 5А340607 – «Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар», 5А340608 – «Қимматли қоғозлар ва биржа иши», 5А340614 – «Инвестициялар бозорларини бошқариш» ва 5А340708 – «Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари» таълим соҳалари бўйича Давлат Таълим Стандартлари талаблари доирасида тайёрланган. Дастурда фаннинг назарий, услубий, амалий мавзулари ва масалалари етарли даражада ёритилган. Дастур доирасида фанни ўрганиш замонавий педагогик, ўқув-услубий, илмий ва амалий технологияларга асосланади. Дастур иқтисодий йўналишдаги магистратура талабаларини ўқитишга мўлжалланган.

Настоящая программа подготовлена на основе Закона Республики Узбекистан «Об образовании» и постановления Кабинета Министров от 16 августа 2001 г., №343, а также разработанных на их основе Государственных Стандартов по направлениям образования 5А340607 – «Операции на международных финансовых рынках», 5А340608 – «Ценные бумаги и биржевое дело», 5А340614 – «Управление рынками инвестиций» и 5А340708 - «Операции с ценными бумагами в банках». В программе в достаточной мере освещены теоретические, методологические, практические темы и вопросы дисциплины. Изучение дисциплины в рамках программы основывается на современные педагогические, учебно-методические, научные и практические технологии. Программа предназначена для обучения студентов магистратуры экономических направлений.

This program was prepared according to the law of the Republic of Uzbekistan “ About Education” and to the enactment of the Cabinet of Ministers (from August 16, 2001, №343), as well as according to the State Educational Standards, such as 5А340607- “Operations at International Financial Markets”, 5А340608- “Securities and Stock Exchange”, 5А340614 – “ Management of Investment Markets ”, 5А340708 – “Securities operations of banks”, created on basis of the aforementioned laws. Theoretical, methodological, practical themes and issues of the discipline were sufficiently stated in the program. According to the program, studies of the discipline are based on the up-to-date pedagogical, educational, methodological, scientific, and practical technologies. The program is designed for tuition of graduate students’ of economical directions.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома)

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида, Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида ҳар томонлама етук ва баркамол мутахассисларни тайёрлаш - давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги қайд этилган. Ушбу ишларни амалга ошириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган 5А340607 – «Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар», 5А340608 – «Қимматли қоғозлар ва биржа иши», 5А340614 – «Инвестициялар бозорларини бошқариш» ва 5А340708 – «Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари» таълим соҳалари бўйича Давлат Таълим Стандартлари жорий қилинди. Амалдаги Стандартлар асосида тайёрланган дастур «Биржа иши ва жаҳон биржа тизими» фанининг назарий, услубий ва амалий мавзулари ва масалаларини ўз ичига олган бўлиб, фанни ўрганишнинг замонавий педагогик, ўқув-услубий, илмий ва амалий технологияларга асосланади. Дастур иқтисодий йўналишдаги магистратура талабаларини ўқитишга мўлжалланган.

### **Ўқитишнинг мақсади ва вазифаси ҳамда бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги**

Ўқитишнинг мақсади талабаларга биржа иши ва тизими соҳасидаги фаолиятнинг умумлаштирилган назарий, методологик, амалий билим ва кўникмаларини беришдир.

Ўқитишнинг вазифаси бўлиб, талабаларни биржа иши ва тизими соҳаси бўйича илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва амалий-ишлаб чиқариш фаолиятга тайёрлаш ҳисобланади.

«Биржа иши ва жаҳон биржа тизими» фани магистратуранинг 5А340607 – «Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар», 5А340608 – «Қимматли қоғозлар ва биржа иши», 5А340614 – «Инвестициялар бозорларини бошқариш» ва 5А340708 – «Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари» мутахассисликларини асосий фанларидан бири бўлиб, бу фан кўрсатилган йўналишлар доирасидаги бошқа фанларга асосланади ва улар билан узвий боғланган.

«Биржа иши ва жаҳон биржа тизими» фани доирасида магистрант-талабалар билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Талабалар фанни ўрганиш натижасида фанни ўқитишдан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишлари лозим, шу доирада олган билимларини, ўқувларини ва кўникмаларини илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва амалий-ишлаб чиқариш фаолиятларида кўрсатилган таълим йўналишлари бўйича Давлат Таълим Стандартларида талаб қилинганидек самарали қўллай олишлари керак.

### **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

Талабаларга замонавий усулда фанни ўргатиш ва уларнинг билимини баҳолаш учун қуйидаги технологиялар ва материаллардан фойдаланилади:

- талабаларни аудиторияда ва аудиториядан ташқари ўқитишнинг, мустақил таълимнинг илғор педагогик усуллари;
- ўқитишнинг техник воситалари, ўқув фильмлари, слайдлар, дидактик материаллар, плакатлар, тестлар, амалий масалалар, иш ўйинлари, кўргазмали қуроллар, электрон материаллар, статистик ахборот, тарқатма ўқув материаллари, методик кўрсатмалар, янги дарсликлар, маъруза матнлари, монографиялар;
- тегишли қонуний ва меъёрий ҳужжатлар;
- фан бўйича халқаро ва Ўзбекистон тажрибасига оид тегишли материаллар;
- компьютер-ахборот технологиялари, махсус дастурлари ва ИНТЕРНЕТ ёрдамида фанга тегишли билим ва материаллар;
- талабалар билимини мунтазам жорий, оралик ва якуний баҳолашда сўров, рефератлар ёзиш, тест-текширув, амалий масалалар ечиш усулларида фойдаланиш;
- иқтидорли талабаларга фан доирасида чуқурроқ, қўшимча ва мустақил ишлашлари учун шароитлар яратиб бериш;
- мутахассисларнинг илмий-амалий мақолалари, молия бозори (МБ) ва қимматли қоғозлар бозори (ҚҚБ) бўйича расмий ахборот бюллетенлари ва ҳисоботлар.

### **Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

«Биржа иши ва жаҳон биржа тизими» фани магистратуранинг 5А340607 – «Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар», 5А340608 – «Қимматли қоғозлар ва биржа иши», 5А340614 – «Инвестициялар бозорларини бошқариш» ва 5А340708 – «Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари» мутахассисликларида I семестрда 20 ҳафта давомида ушбу дастур асосида ўқитилади.

Фанни ўқитиш мобайнида дастурнинг фанни ўқитишдаги янги технологиялар бандида келтирилган материаллар ва технологиялар услубий кўрсатмалар сифатида қабул қилиниши мумкин.

Фанни ўрганиш маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда амалга оширилади. Талабалар аудиторияда олган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаши ҳамда уй вазифаларини бажаришлари учун мустақил таълим киритилган. Уларнинг олган билимларини назорат қилиб боришнинг тест-синов, оралик, жорий ва якуний баҳолаш усуллари қўлланилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади ва улар ўқитувчилар томонидан баҳоланади.

### **Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми**

Давлат Таълим Стандартида «Биржа иши ва жаҳон биржа тизими» фанига жами 120 соат ҳажмда вақт ажратилган. Шундан 80 соат (40 соат маъруза, 40 соат амалий машғулот) аудитория машғулотларига, 40 соат мустақил таълимга ажратилган. Маъруза ва амалий машғулот ҳамда мустақил таълим ўқитувчилар раҳбарлигида аудиторияда ўтилади.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Маъруза машғулотларининг намунавий мавзуси Биржавий бозор ўрни ва асослари**

*Бозор иқтисодиёти шароитларида молия ва товар бозорларининг ривожланиши. Ш.Шоҳазамийнинг молия ва қимматли қоғозлар бозорини структуравий-функционал моделларини талқини ва қўлланилиши;*

*Биржавий бозорни шаклланишининг сабаблари ва шарт-шароитлари. Биржавий бозорни ривожланишига молия ва товар бозорларининг таъсири;*

*Биржавий товарни молия бозорларидаги ҳамда иқтисодиётдаги роли. Биржани пайдо бўлишининг тарихий ретроспективаси. Биржавий бозорни мувофиқлаштириш асослари. Биржаларнинг турлари, биржани ташкил этиш шакллари. Биржавий фаолиятнинг асосий тамойиллари. Биржавий фаолиятда воситачилик, операциялар ва шартномалар. Биржавий савдонинг эволюцияси ва механизми. Ўзбекистонда биржавий бозорни шаклланиши ва ривожланиши хусусиятлари, қонуний-меъёрий асослари ва истиқболлари.*

### **Биржа, уни савдо ташкилотчиси сифатидаги вазифалари**

*Товар биржаларини замонавий қимматли қоғозлар биржасига айланиши эволюцияси. Универсал ва махсус (товар-фьючерс) биржа. Фьючерс-опцион биржа, фонд биржаси, валюта биржаси, кўчмас мулк биржаси, интеллектуал мулк объектлари савдоси биржаси, меҳнат биржаси. Жамоатчилик-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий биржалар, аралаш биржалар. Халқаро ва миллий биржалар. Биржаларнинг асосий функциялари, очиқ жамоатчилик ташкилотлари функцияси, бозор иқтисодиётининг нарх (баҳо) регулятори функцияси, ахборот-аналитик функцияси. Шартномавий операцияларни суғурталаш ва хеджирлаш, кафолатли бажариш. Савдони ташкил қилиш тамойиллари. Биржа фаолиятини мувофиқлаштиришнинг асосий тамойиллари. Биржада нархлар манипуляциясини олдини олиш тартиблари;*

*Биржа аъзоларига нисбатан биржа тартибларини бузиш ҳолларида қўлланиладиган жазолар (санкциялар). Савдоларни таъминлаш учун зарур биржавий инфратузилма (депозитарийлар, ҳисоб-клиринг палаталари, ахборот-рейтинг агентликлари, эксперт-аналитик фирмалар, биржавий омборлар). Ўзбекистонда савдоларни таъминлаш учун зарур биржавий инфратузилма;*

### **Биржавий товар, уни таркиби ва турлари**

*Биржавий товар тушунчаси, таркиби ва асосий синфлари. Мулкий ва реал товарлар, қимматли қоғозлар, деривативлар, хорижий ва миллий валюта. Товар биржаларида биржавий товарларнинг асосий турлари. Реал товарнинг хусусий ва фаркли томонлари ва икки гуруҳи, реал товар сифатига қўйиладиган талаблар, реал товарни стандарлаштириш экспертизаси ва сертификациялаштириш. Реал товарни биржа омборига киритишда унинг сифатини назорат қилиш;*

*Қимматли қоғозлар биржавий товар сифатида, товар сифатида қимматли қоғозларнинг жамият учун зарурий функцияси. Биржавий товар сифатида қимматли қоғозларнинг характеристикаси: вақтий, фазовий ва бозорий. Қимматли қоғознинг товар сифатидаги хусусиятлари, шакллари, турлари;*

*Валютанинг товар сифатидаги характеристикаси. Валюта курси тушунчаси, валюта курсининг (алмашинув) уч асосий тизими: белгиланган, эркин сузувчи, бошқарувчан сузувчи. Валюталарнинг тўғри ва тескари котировкаси, валютани сотиш ва сотиб олиш, кросс-курси, эркин конвертацияланувчи валюта. Ўзбекистонда биржавий товарлар сифатида қимматли қоғозлар, валюта, реал товар хусусиятлари;*

### **Базис бозорлар: товар, қимматли қоғозлар ва валюта**

*Товар бозори: инфратузилмаси, унсурлари, асосий кўрсаткичлари, географик белги ва товар тармоқлари белгиси бўйича таснифи. СПОТ-бозор, форвард ва фьючерс савдоси. Товар бозори тузилмаси: монополистик, олигополистик, атомистик. Товар*

бозорининг асосий секторлари: очик ва ёпиқ;

Қимматли қоғозлар бозори: урни, функциялари, турлари, инфратузилмаси, сегментлари, иштирокчилари, операциялари, мувофиқлаштириш, ривожланиш тенденциялари, сиёсатлари;

Валюта бозори: урни, функцияси, таснифи, инфратузилмаси, иштирокчилари, савдо операциялари, мувофиқлаштириш, сиёсатлари, инструментлари;

### **Биржани ташкиллаштириш ва бошқариш**

*Биржани тузиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш механизми (тартиби), Устави, устав фонди, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мақоми, фаолият механизми, ички меъёрий ҳужжатлари, фаолиятини лицензиялаш ва молиялаштириш.* Биржавий савдо иштирокчилари, биржа аъзолари ва уларнинг категориялари. Биржа ва унинг иштирокчилари ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги. Биржанинг ташкилий тузилмаси, бошқарув органлари, бўлимлари. Биржанинг махсус органлари: эксперт-котировка қилиш комиссияси, листинг комиссияси, малака комиссияси, этика комиссияси, шуъба ва тобе жамиятлари;

### **Биржавий бозорда брокерлик идоралар фаолиятини ташкил этиш**

Биржада воситачилик, брокерлик жойи, брокерлик идораси (фирмаси), брокерлик фирмасини ўрни, функцияси, аккредитацияси, лицензиялаш ва фаолият тартиби (механизми). *Брокерлик фирмасининг тузилмаси, устави, мутахассислари ва уларни аттестациялаш, трейдерлари, бэк-офиси (back-office), қимматли қоғозлар операциялари ҳисоби.* Биржада брокерлик ва дилерлик фаолияти. Воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга кўйиладиган талаблар (малакавий ва иқтисодий). Фонд биржаларида маркет-мейкерлик. Биржа воситачилари ва мижозлар ўртасидаги ўзаро муомала: савдо топшириғи ва унинг турлари, биржавий буйруқ (ордер) ва унинг турлари –бозор буйруғи (market order), лимитли (limit order), стоп-заказ (stop order). Топшириқ ва комиссия шартнома, уларни тузиш тартиби. Биржа товарини мижоз томонидан сотишга ва сотиб олишга топшириқни тузиш (бериш). *Биржавий брокер томонидан мижоз учун операция натижаларини тайёрлаш.* Мижоз учун брокернинг ҳисоботи, уни тайёрлаш. Брокерлик фирмаси хизматлари учун тўлов. Брокерлик фирмаси фаолиятини молиялаштириш.

### **Биржа савдоларига қимматли қоғозларни киритиш тартиби**

Қимматли қоғозлар листинги ва уни биржадаги тартиби. Қимматли қоғозлар экспертизаси амалга ошириш тартиби, эмитентнинг экспертизага топширган ҳужжатларига талаблар. *Эмитентлар молиявий ҳолатини деталлаштирилган ва экспресс таҳлили. Расмий биржавий рўйхат ва унга киритилиш учун қимматли қоғозларга куйилган талаблар.* Расмий биржавий рўйхат категориялари: листингли, листинг олди ва листингдан ташқари корхоналар. Расмий биржавий рўйхатга киритилишда эмитентларга кўйилган талаблар. Қимматли қоғозлар делистинги ва релистинги. *Расмий биржавий рўйхатга киритилиш учун тўланадиган бадаллар.*

### **Биржавий савдони ташкиллаштириш**

Биржавий савдолар тартиби ва қонуний тартибда ўрнатилган унинг асосий қисмлари. Биржада савдоларни олиб борувчи хизмат (маклерият) ва унинг фаолияти. Иштирокчиларни биржавий савдога киритиш тартиби. Савдоларни олиб бориш регламенти. Биржавий операциялар: кассавий ва муддатли. Агентлар ва дилерлар бозори. Биржавий ахборот, уни брокерларга тақдим этиш тартиби. Оддий ва қўшалок аукцион шаклида савдоларни олиб бориш механизми. Оддий аукцион турлари:

инглизча, голландча ва сиртки;

Қўшалок аукцион турлари: ёппали ва узлуксиз. Узлуксиз қўшалок аукцион турлари. Савдоларни амалга ошириш техникаси: овозли режим, электрон режим, аралаш режим. Савдони ташкиллаштириш усуллари: бевосита биржавий операцион залида ва “on line” режими. Электрон савдо тизими, унинг асосий модули. “Тошкент” РФБсида электрон савдони ташкиллаштириш. Етук халқаро биржаларда савдоларни ташкиллаштириш хусусиятлари. Москва банклараро валюта биржасида (ММВБ) электрон савдоларни ташкиллаштириш тажрибаси.

### **Товар, валюта ва фонд биржаларида шартномавий операцияларни тузиш тартиби**

*Биржавий операциялар (шартномалар) характеристикаси.* Биржавий ва нобиржавий операциялар, уларнинг фарқи. Туғридан туғри ва воситачи орқали операциялар. Брокерлик ва дилерлик операциялар. Улгуржи ва чакана операциялар;

*Товар биржаларида биржавий операциялар тавсифи.* Реал товар билан операциялар ва реал товарсиз операциялар (фьючерс ва опционлар билан), уларнинг технологиялари. Нақд ва форвард операциялар. Форвард операциялар турлари. Биржада операция шартномасини тузиш ва қайд этиш;

*Валюта биржаларида биржавий операциялар тавсифи.* Кассавий (“СПОТ”) ва муддатли (“Форвард”) операциялар. Валюта биржасида муддатли операциялар турлари: оддий муддатли ва муддатли алмаштириш (“СВОП”) операциялар. Валютани олди-сотти операцияларини тузиш технологияси. Ўзбекистон Республикаси Валюта Биржасида хорижий валюталар билан савдо қилиш тартиби;

*Фонд биржаларида қимматли қоғозлар операциялари характеристикаси ва босқичлари.* Фонд биржасида тасдиқланган ва тасдиқланмаган операциялар, кассавий ва муддатли операциялар. Муддатли операциялар турлари: оддий (муштаҳкам), фьючерсли, шартли (опционли), узайтирилган (пролонгацияланган)-репорт ва депорт. Қимматли қоғозларнинг стандарт лоти тушунчаси. Фонд биржасида операция шартномасини тузиш ва қайд этиш;

### **Биржада фьючерслар савдосини ташкиллаштириш**

*Биржада фьючерс савдоси тушунчаси, фьючерслар савдосини пайдо бўлиши тарихи ва сабаблари.* Фьючерс ва форвард контрактлари, уларни хусусиятлари ва фарқлари, фьючерс контрактларини стандартлаштириш. Фьючерсларнинг турлари: товар ва молиявий (ҳисобли). Товар фьючерсларининг турлари ва уларни тузиш хусусиятлари. Молиявий фьючерслар: қиска ва узок муддатли фоизли фьючерслар, фонд бозори индексларига фьючерслар, валюта фьючерслари, олтин фьючерслар ва уларни тузиш механизми;

Биржада шартномавий операциялар бажаришни кафолатлаш тизими; *Асосий халқаро фьючерслар биржаси.* Биржавий фьючерслар савдоси механизми ва унинг асосий унсурлари. Тўғри ва тескари (офсет) фьючерс операциялар. Фьючерслар савдосининг терминологиясини узун ва қиска позицияларни очиш. Фьючерс контрактларини олди-соттисига шартнома операцияларни тузиш ва бажаришнинг технологик жараёни ва унинг асосий босқичлари. Фьючерс савдосидаги ҳисоб-китоб тартиби, биржанинг ҳисоб (клиринг) палатаси, унинг функцияси ва аъзолари. Биржада фьючерс контрактларини қайд этиш хусусиятлари, гаров тушунчаси, фьючерс контрактларини қайд этишда гаров суммаларини ундириш тартиби, реал товарни фьючерс контракти бўйича етказиш;

Фьючерслар савдоси билан боғлиқ биржавий савдо ўйинлари жараёнларида хеджирлаш, биржада хеджирлаш техникаси, фьючерс ва натурал бозорларда хеджирлаш, “қиска” (фьючерс контрактини сотиш билан хеджирлаш) ва “узун” (фьючерс контрактини сотиб олиш билан хеджирлаш) хедж. Фьючерс контрактлари

бозорида биржавий стратегиялар: бозоричи ва бозорлараро, биржаичи ва биржалараро. Биржавий савдогарлар турлари: “буқалар” ва “айиклар”. Фьючерс контрактларини сотиш ва сотиб олишнинг турли вақт ва бир вақтдаги стратегиялари. Фьючерс контрактларининг нархларини шакллантириш, нархга таъсир этувчи омиллар, реал товарга ва қимматли қоғозга фьючерс контрактлари баҳосини ҳисоблаш, арбитраж операцияларини амалга ошириш. Фьючерс контракти базиси тушунчаси, фьючерс савдосидаги молиявий ҳисоблашлар ва уларнинг босқичлари. Маржа тушунчаси, вариацион маржани ҳисоблаш. *Фьючерс савдосининг жаҳон тажрибаси: Чикаго савдо палатаси, Россия биржаси, Москва банклараро валюта биржаси. Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида фьючерслар савдоси тўғрисидаги Низом.*

### **Биржада опционлар савдосини ташкиллаштириш**

*Биржавий опцион тушунчаси, турлари (сотиб олишга опцион (опцион-колл) ва сотишга опцион (опцион-пут)), тоифалари (америкача ва европача).* Биржавий актив белгиси бўйича опционлар таснифи: товар, валюта, фонд ва фьючерс. Опцион баҳоси тушунчаси: мукофот ва бажариш баҳоси (страйк-баҳо). Биржавий опционларнинг стандарт конструкцияси: акцияга, фонд индексларига, фоизга, валютага, фьючерсга. Бошқа турдаги қимматли қоғозларга нисбатан опционларнинг афзаллиги;

Биржавий опцион стратегиялари: оддий, спрэд, комбинацион, синтетик. Оддий опцион стратегиялар ва уларнинг характеристикаси. Спрэдлар турлари: горизонтал, вертикал ва диагонал. Комбинацион стратегиялар турлари: «стрэдл» ва «стрэнгл». Синтетик стратегиялар турлари. Биржавий опционлар нархларини шаклланиши, опцион нархини шакллантирувчи факторлар, опцион баҳоси: ички ва вақтли. Опцион: «пул ичидаги» ёки «пулдаги»; «пулсиз»; «ўз пулидаги» ёки «пул олдидаги». Опцион мукофоти таъсир этувчи омиллар. «Колл» опцион баҳосини аниқлаш бўйича Блэк-Шоулз формуласи. Натурал (физик) ва опцион бозорида хеджирлаш;

*Чикаго опционлар биржасида опционлар савдоси, унинг асосий иштирокчилари: борд-брокерлар, маркет-мейкерлар, флор-брокерлар. Опцион контрактларини стандартлаштириш.* Опцион контрактлар бўйича ҳисоб-китоблар.

### **Биржавий савдолар бўйича клиринг ва ҳисоблашув**

*Клиринг ва биржавий клиринг тушунчаси. Биржавий операцияларнинг таркибий қисмлари, операциялар бўйича клиринг ва ҳисоблашувлар биржавий тизимларини тузишнинг замонавий асослари, операциялар бўйича клиринг ва ҳисоблашувларнинг таснифи ва тамойиллари, биржавий операцияларни амалга оширишдаги рискларнинг асосий турлари;*

*Фонд бозорида операциялар бўйича клиринг ва ҳисоблашув, унинг жараёни.* Фонд бозорида операцияларни амалга ошириш босқичлари: операция шартномасини тузиш, тузилган шартнома параметрларини солиштириш, клирингни ва унинг процедурасини (кичик босқичлари) амалга ошириш. Қарама-қарши талабларни ўзаро ҳисоблашуви тушунчаси, ўзаро ҳисоблашув турлари: бир томонлама ва кўп томонлама. “Позиция” тушунчаси, позицияни тугатиш, клирингдаги “неттинг” механизми, позицияларни тартиблаштириш, “новэйшн” усули. Ҳисоблашув ҳужжатларини тўлдириш. Якуний босқич-фонд бозорида операция шартномаларини бажариш, уни характеристикаси. Операция шартномаларини бажариш ва улар бўйича ҳисоблашувнинг халқаро стандартлари. Операциялар шартномасини бажаришнинг “тўловга қарши етказиб бериш” тартиби;

Қимматли қоғозлар бўйича пулли ҳисоблашувларни ташкиллаштириш, халқаро депозитар-клиринг тизимлари, махсус ва миллий тизимлари, уларнинг фаолияти механизми, модели ва хусусиятлари. Фьючерслар, опционлар ва СВОП бозорларида клиринг ва ҳисоблашув хусусиятлари. Халқаро тажриба. *Ўзбекистон Республикаси*



*товар-хом ашё биржалари ҳисоб (клиринг) палатаси тўғрисидаги Низом;*

Фонд бозорида клиринг ва ҳисоблашувдаги рисклар. Рисклар тури ва манбалари. Қоплаш бўйича зарар кўриш rischi (replacement cost risk). Қарзнинг асосий суммасини йўқотиш rischi (principal risk). Ликвидлик rischi (liquidity risk). Йўқотилиши мумкин бўлган ва йўқотилиши мумкин бўлмаган рисклар. Йўқотилиши мумкин бўлган рискларни тугатиш тизими ва модели. Фонд бозорида йўқотилиши мумкин бўлган рискларни минимизация қилиш усуллари. Биржа савдоси иштирокчиларига минимал талабларни ва уларнинг операцияларига лимитлар ўрнатиш. Савдо иштирокчилари ўртасида рискларни тақсимлаш усулини қўлланилиши. Клиринг ташкилотида махсус резерв (захира) фондларини ва зарарларни тақсимлаш тизимини тузиш. Ночор қарздорларни кредитлаш тизими ва механизми. «Ташқи» кафолат тизимини тузиш. Қимматли қоғозлар бўйича ҳисоблашув ва клиринг тизимларини ривожланиши истиқболлари. Қимматли қоғозларни дематериализациялаш. Қимматли қоғозларнинг электрон савдосини ривожлантириш. Ҳисоблашув даврларини унификациялаш. Клиринг ва ҳисоблашув ташкилотларини интеграциялашуви. Қимматли қоғозлар бозорига хизмат кўрсатувчи комплекс тизимларни тузиш.

### **Биржавий котировка ва биржавий нархни белгилаш**

*Қимматли қоғозларнинг биржавий котировкаси тушунчаси, курси, нархи.* Биржавий савдо сессиясининг ёпилиш ва очилиш нархи тушунчаси. Биржавий аукционлар тизимига боғлиқ равишда биржавий нархни белгилаш. *“Тошкент” РФБиржасида қимматли қоғозлар котировкаси тўғрисидаги Низом.* Қимматли қоғозлар котировкаси шартлари ва тартиби. Котировка варағи ва котировкалар журнали, уларни тузиш тартиби. Биржавий нархни белгилаш. *“Тошкент” РФБиржасида котировка нархини белгилаш Инструкцияси;*

Қимматли қоғозлар котировкаси усуллари ва уларни турли етакчи жаҳон биржаларида қўлланилиши. *“Ягона курс”* усулини Франкфурт фонд биржаси мисолида қўлланилиши. Биржавий нархни белгиланишида курс маклерининг роли. Очилиш нархини белгилаш тартиби. Операция шартномаларини қониктириш механизми;

Оддий ва узлуксиз аукционда *“қайд этиш”* усулини қўлланилиши. *Нью Йорк фонд биржасида биржавий нархни аниқлаш механизми.* Бозорни котировка нархини белгилашда ва қўллаб-қувватлашда *“мутахассиснинг”* роли. Аукцион жараёнида нархни белгилаш механизми. Биржавий савдода нарх ҳолатини назорат қилиш. Лондон фонд биржасида биржавий нархни белгилаш механизми. Биржавий нархни ва уни котировкасини белгилашда маркет-мейкернинг роли. *Россия савдо тизимида (РТС) биржавий нархни белгилаш механизми.*

Валюта биржаларида нархни ва уни котировкасини белгилашнинг хусусиятлари. Фиксинг усули ва уни характеристикаси. Фиксинг вариантлари. Талаб ва таклиф мувозанати асосидаги аукцион. Валютанинг бошланғич старт курси асосидаги аукцион.

### **Биржавий индекслар ва рейтинглар, уларни ҳисоблаш ва баҳолаш хусусиятлари**

*Фонд ва биржавий индекслар тушунчаси, тарихи, уларни ҳисобловчи ташкилотлар, фонд индексларини ҳисоблаш усуллари.* Фонд индексларини ҳисоблашдаги танлашнинг репрезентативлиги. Қимматли қоғозлар бозори ликвидлилигини фонд индекси динамикасига таъсири. Индексни ўзгарувчанлиги ва мерослилиги. Турли фонд индексларини корреляцияси. Қимматли қоғозлар бозорида индекслар ва инвестиция стратегиялари. *Ривожланган хорижий мамлакатларда фонд индекслари: АКШда (Dow Jones, Standard and Poors, Nasdaq), Буюк Британияда (FT-SE 30, FT-100), Германияда (DAX-30, Xetra-DAX), Францияда (CAC-40), Японияда (Nikkei, Nikkei-Dow Jones Average), Россияда (Сводный фондовый индекс ММВБ, индекс РТС). Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида фонд индекслар. «Тошкент» РФБиржасининг*

*умумлашган фонд индекси тўғрисидаги Низом.*

*Қимматли қоғозларни таҳлил усулларини (фундаментал ва техник) характеристикаси ва қўлланилиши хусусиятлари. Қимматли қоғозлар ва эмитентлар рейтинги, уни аниқловчи халқаро рейтинг агентликлари. Мамлакатнинг кредит рейтинги. Узоқ муддатли мажбуриятларнинг рейтинги. Қимматли қоғозларнинг инвестицион жалбдорлиги рейтинги. Молиявий активларни баҳолашнинг базавий модели. Облигация ва акциялар сифат кўрсаткичларини баҳолаш.*

### **Жаҳон биржа тизими муаммолари**

*Жаҳон биржа тизими, унинг асосий биржалари (Нью Йорк, Лондон, Франкфурт, Токио, Сингапур, Стамбул ва бошқалар), уларни интеграцияси шарт-шароитлари, тарихи ва муаммолари, жаҳон молия бозоридаги ўрни ва вазифалари. 30 гуруҳи тақлифлари. Ўзбекистон биржавий бозорини жаҳон биржа тизимига интеграциясининг ҳолати, муаммолари ва истиқболлари. “Тошкент” РФБ ва унинг чет эл биржалари ва ташкилотлари билан алоқалари.*

## **3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУСИ**

### **Биржавий бозор ўрни ва асослари**

*Ўзбекистонда биржавий бозорни шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини ўрганиш;*

*Ўзбекистон биржавий бозорининг қонуний-меъёрий ҳужжатлари.\**

### **Биржа, уни савдо ташкилотчиси сифатидаги вазифалари**

*Ўзбекистон биржаларининг иқтисодиётдаги роли ва вазифалари.\**

*Ўзбекистонда биржавий савдоларни таъминловчи биржавий инфратузилмаларини ўрганиш.*

### **Биржавий товар, уни таркиби ва турлари**

*Ўзбекистонда биржавий товарлар сифатида қимматли қоғозлар, валюта, реал товар муомаласи хусусиятларини ўрганиш.*

### **Базис бозорлар: товар, қимматли қоғозлар ва валюта**

*Ўзбекистоннинг базис бозорларини (товар, қимматли қоғозлар, валюта) ўрганиш.*

### **Биржани ташкиллаштириш ва бошқариш**

*Ўзбекистонда биржани тузиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартибини ўрганиш.*

*«Тошкент» РФБ Устави ва ички меъёрий ҳужжатларини ўрганиш.\**

*«Тошкент» РФБ ташкилий тузилмаси, бошқарув органлари, бўлимлари.*

### **Биржавий бозорда брокерлик идоралар фаолиятини ташкил этиш**

*«Тошкент» РФБда воситачилик, брокерлик жойи, брокерлик идораси (фирмаси), брокерлик фирмасини ўрни, функцияси, аккредитацияси, лицензиялаш ва фаолият тартиби (механизми).\**

*Брокерлик фирмаси фаолиятини молиялаштириш манбалари ва йўллари.*

### **Биржа савдоларига қимматли қоғозларни киритиш тартиби**

«Тошкент» РФБда расмий биржавий рўйхат ва унга киритилиш учун қимматли қоғозларга кўйилган талаблар.

### **Биржавий савдони ташкиллаштириш**

«Тошкент» РФБдаги биржавий савдолар турлари ва жараёнлари тартибларини ўрганиш.

### **Товар, валюта ва фонд биржаларида шартномавий операцияларни тузиш тартиби**

Ўзбекистон товар-хом ашё биржасида операцияларни тузиш тартибини ўрганиш.

Ўзбекистон валюта биржасида операцияларни тузиш тартибини ўрганиш.

«Тошкент» РФБда операциялар шартномаларини тузиш тартибини ўрганиш.\*

### **Биржада фьючерслар савдосини ташкиллаштириш**

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида фьючерслар савдоси тўғрисидаги Низомни ўрганиш.

Фьючерслар савдосининг жаҳон тажрибасини ўрганиш.\*

### **Биржада опционлар савдосини ташкиллаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитаси опционлари (1994 й).

Опционлар савдосининг жаҳон тажрибасини ўрганиш.

### **Биржавий савдолар бўйича клиринг ва ҳисоблашув**

Жаҳон фонд бозорида операциялар бўйича клиринг ва ҳисоблашув жараёни, тартиби.

Ўзбекистон биржаларида операциялар бўйича клиринг ва ҳисоблашув жараёни, тартиби.

### **Биржавий котировка ва биржавий нархни белгилаш**

«Тошкент» РФБ қимматли қоғозлар котировкаси ва нархини белгилаш тартиби.\*

### **Биржавий индекслар ва рейтинглар, уларни ҳисоблаш ва баҳолаш хусусиятлари**

Ривожланган хорижий мамлакатлардаги фонд индексларини (АКШда (Dow Jones, Standard and Poors, Nasdaq), Буюк Британияда (FT-SE 30, FT-100), Германияда (DAX-30, Xetra-DAX), Францияда (CAC-40), Японияда (Nikkei, Nikkei-Dow Jones Average), Россияда (Сводный фондовый индекс ММВБ, индекс РТС)) ўрганиш.

«Тошкент» РФБнинг умумлашган фонд индексини ҳисоблаш ва баҳолаш.

### **Жаҳон биржа тизими муаммолари**

30 гуруҳи таклифларини ўрганиш.

Ўзбекистон биржавий бозорини жаҳон биржа тизимига интеграциясининг ҳолати, муаммолари ва истиқболларини таҳлил қилиш.

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР**

Ушбу дастурнинг фанни ўқитишдаги янги технологиялар, фанни ўқитиш

семестрлари ва услубий кўрсатмалар бандларида кўрсатилганларнинг тегишлилари кўлланилиши ҳамда керакли ташкилотларнинг сайт ва электрон почталаридан фойдаланиш мумкин. Бунда керакли ташкилотларнинг сайт ва электрон почталари кафедра томонидан берилиб борилади.

Тавсия этиладиган сайтлар:

1. Фонд биржаларининг халқаро федерацияси [http// www. fibv. com/](http://www.fibv.com/)
2. Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти [http//www.iosco.org/](http://www.iosco.org/)
3. АҚШ Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси [http//www.sek.gov/](http://www.sek.gov/)
4. Европа иттифоқи директиваларининг тўлиғ матни [http//www.europa.eu.int/](http://www.europa.eu.int/)
5. Франциянинг биржавий операциялари бўйича комиссияси [http//www.cob.fr/](http://www.cob.fr/)
6. Италиянинг фонд бозори бўйича комиссияси CONSOB [http//www.consob.it/](http://www.consob.it/)
7. Испаниянинг фонд бозори бўйича миллий комиссияси CNMV [http//www.cnmv.es/](http://www.cnmv.es/)
8. Австралиянинг қимматли қоғозлар ва инвестициялар бўйича комиссияси ASIC [http//www.asic.gov.au/](http://www.asic.gov.au/)
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Марказий Депозитарийси [http//www.deponet.uz/](http://www.deponet.uz/)
10. «Тошкент» РФБ [http//www.uzse.com/](http://www.uzse.com/)
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қумитаси қошидаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази [http//www.atm.uz/](http://www.atm.uz/)
12. Журнал «Рынок ценных бумаг» (РФ) [http//www.rcb.ru/](http://www.rcb.ru/)
13. ОЭСР [http//www.oecd.org/](http://www.oecd.org/)
14. Европа инвестиция банки European Investment Bank [http//www.eib.org/](http://www.eib.org/)
15. Европа тикланиш ва тараққиёт банки European Bank for Reconstruction and Development [http//www.ebrd.com/](http://www.ebrd.com/)
16. Европа ва Осиё мамлакатлари фонд биржалари Федерацияси Federation of Euro-Asian Stock Exchanges [http//www.feas.org/](http://www.feas.org/)
17. Европа фонд биржалари Федерацияси Federation of European Stock Exchanges [http//www.fese.be/](http://www.fese.be/)
18. Шимолий Америка фонд биржалари Федерацияси Federacion Iberoamericana de Bolsas de Valores [http//www.fiabv.org/](http://www.fiabv.org/)
19. Меррил Линч Merrill Lynch [http//www.ml.com/](http://www.ml.com/)
20. Морган Стэнли Morgan Stanley [http//www.ms.com/](http://www.ms.com/)
21. Джи.Пи.Морган J.P.Morgan & Co. [http//www.jpmorgan.com/](http://www.jpmorgan.com/)
22. Буюк Британия, Молиявий хизматлар бўйича Кенгаш The Financial Services Authority [http//www.fsa.gov.uk/](http://www.fsa.gov.uk/)
23. Германия, Қимматли қоғозлар ва фьючерслар бўйича Комиссия Bundesaufsichtsamt fur den Wertpapierhandel [http//www.bawe.de/](http://www.bawe.de/)
24. Гонконг, Қимматли қоғозлар ва фьючерслар бўйича Комиссия Securities and Futures Commission [http//www.hksfc.org.hk/](http://www.hksfc.org.hk/)
25. ХХР, Хитой фонд бозори бўйича Комиссия China Securities Regulatory Commission [http//www.csrc.gov.cn/](http://www.csrc.gov.cn/)
26. Малайзия, Қимматли қоғозлар бўйича Комиссия Securities Commission [http//www.sc.com.my/](http://www.sc.com.my/)
27. Россия Федерацияси, Қимматли қоғозлар бўйича Федерал комиссия [http//www.fedcom.ru/](http://www.fedcom.ru/)
28. Япония, Молия Вазирлиги [http//www.mof.go.jp/](http://www.mof.go.jp/)

*Рейтинг агентликлари:*

29. Moody\*s Investors Service <http://www.moodys.com/>
  30. Standard & Poor\*s <http://www.standardpoor.com/>
  31. Fitch IBCA <http://www.fitchibca.com/>
  32. Duff & Phelps Credit Rating Co. <http://www.dcrco.com/>
  33. *Илмий тадқиқот ташкилотлари ва консалтинг фирмалари:*
  34. Брайан Тэйлор тадқиқотлари Global Financial Data <http://www.globalfindata.com>
  35. Иқтисодий тадқиқотлар Миллий бюроси (АҚШ) National Bureau of Economic Research <http://www.nber.org/papersbyprog/>
  36. Акциялар Немис институти Deutsches Aktieninstitut e.V. <http://www.dal.de/>
  37. Internet Trading Group <http://www.internettrading.ru/>
- Ахборот агентликлари:*
38. Dow Jones Co. <http://www.dowjones.com/>
  39. Reuters <http://www.reuters.com/>
  40. Telestock <http://www.teleserv.co.uk/>

## 5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Ушбу фан бўйича ўқув режада жами 120 соат ажратилган бўлиб, шундан 40 соат маъруза, 40 соат амалий иш, 40 соат мустақил таълим. Ўқув жараёни давомида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 120 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 48 балл, оралиқ баҳолашга 36 балл ва якуний баҳолашга 36 балл ажратилади. «Ёзма иш» вариантлар бўйича тузилиб, у ўқув дастурига тўлиқ мос келиши таъминланади ва талабалар рейтинг тизими асосида белгиланади.

Жорий ва оралиқ баҳолаш турлари учун фанга белгиланган баллар миқдори ўқув режаси бўйича ҳар семестрда ажратилган соатнинг 70 фоизи доирасида белгиланади. Ўқитилаётган фанга маъсул бўлган кафедранинг қарори билан мавзуларнинг мураккаблигига ва зарурийлигига қараб баллар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланади:

- магистратура тингловчисининг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича қонуний ва меъёрий ҳужжатларни конспектлаш;
- кафедра томонидан белгиланган мавзулар бўйича реферат ёзиш;
- мустақил таълим доирасида берилган назорат ишларини бажариш.

Жорий ва оралиқ баҳолаш турлари «Ёзма иш» усулида ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, ҳимоя ва хоказо) ҳам ўтказилиши мумкин.

Якуний баҳолашда фан бўйича дастур тўлиқ ўтилгандан сўнг магистратура тингловчисининг билими баҳоланади. Якуний баҳо турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 30 фоизи миқдорида белгиланади. Фан бўйича якуний баҳолаш босқичи белгиланган тартибда «Ёзма иш» усулида ўтказилади.

Олий таълим муассасаси фанлар учун баҳолаш турларининг ҳар бири бўйича рейтинг балларини ҳисоблаш механизмини ишлаб чиқади ва услубий кенгашда тасдиқлайди.

Семестр ёки ўқув йили давомида ўқитиладиган фан бўйича минимал 55 ва ундан юқори фойизни тўплаган магистратура тингловчиси қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фанлар бўйича минимал баллнинг 55 фойизидан кам балл тўплаган магистратура тингловчиси қониқарсиз (академик қарздор) ўқиётган деб ҳисобланади.

Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичи билан баҳоланади:

- 86 фойиздан 100 фойизгача (103.2 баллдан 120 баллгача);
- 71 фойиздан 85 фойизгача (85.2 баллдан 102 баллгача);
- 55 фойиздан 70 фойизгача (66 баллдан 84 баллгача).

«Ёзма иш» вариантларини баҳолаш мезонлари кафедра мажлисининг

баённоналари билан тасдиқланади.

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Алехин Б.И. Рынок ценных бумаг. Введение в фондовые операции. –Самара: Самвен, 1992.
4. Алексеев В.А. Рынок ценных бумаг – М: Финансы и статистика, 1993 – 250 с.
5. Биржевое дело: Учебник / Под. ред. В.А. Галанова, А.И. Басова. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 304 с.
6. Голубович А.Д., Миримская О.Я. Биржевая торговля и инвестирование в США.- М.: МЕНАТЕП-ИНФОРМ, 1991.
7. Дефоссе Г. Фондовая биржа и биржевые операции - М.: Церих-ПЭЛ, 1992.
8. Драчев С.И. Фондовые рынки: основные понятия, механизмы, терминология – М.: Анкил, 1991.
9. Иващенко А.А. Товарная биржа (за кулисами биржевой торговли).- М.: Международные отношения, 1991.-272 с.
10. Килячков А.А., Чалдаева Л.Д. Рынок ценных бумаг и биржевое дело. – М.: Юристъ, 2000.-704 с.
11. Миркин Я.М. Ценные бумаги и фондовый рынок.-М.: Перспектива, 1995.
12. Рубцов Б.Б. Зарубежные фондовые рынки.-М.: Финансы и статистика, 1996.
13. Рынок ценных бумаг и его финансовые институты: Учебное пособие / Под. род. В.С. Торкановского, - СПб.: АО «Комплект», 1994. – 412 с.
14. Рубцов Б.Б. Мировые фондовые рынки: современное состояние и закономерности развития. М.: ФА.- 2000.-312с.
15. Тьюлз Р., Бредли Э., Тьюлз Т. Фондовый рынок – 6-е изд.: пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1997 – VIII – 648 с. (Университетский учебник).
16. Фондовая биржа: как котируются ценные бумаги/Сост.:Б.Сокольский; Под ред. Ю.М.Лебедева.-М.: Всероссийский биржевой банк, 1992.
17. Черников Г.П. Фондовая биржа: международный опыт.-М.: Международные отношения, 1991.
18. Шварц Ф. Биржевая деятельность Запада (фьючерсные и фондовые биржи, система работы и алгоритм анализа).-М.: Ай Кью, 1992.
19. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1999 – XII, 1028 с.

### Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев Ё., Шоҳаъзамий Ш.Ш. Қимматли қоғозлар.100 савол ва жавоб – Т.: Меҳнат, 1997, - 260 .
  2. Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. –Тошкент: Консадитинформ, 2001. – 472 .
  3. Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва бошқалар. Тадбиркор қимматли қоғозлар бозорида.- Тошкент: Адолат, 2002.-275 б.
  4. Шоҳаъзамий Ш.Ш. идр. Предприниматель на рынке ценных бумаг - Т.: Адолат, 2002.-275 с.
  5. Информационные бюллетени РФБ. «Ташкент»
  6. Информационные бюллетени «Рынок ценных бумаг», Агенства «Консаудитинформ»
- Ўзбекистон Республикасининг молия, банк, қимматли қоғозлар бозорига оид қонуний-мезърий ҳужжатлар.- система «ПРАВО».